

МОТУРИДИЯ МАЗҲАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Абдулқодир Абдур Рахим,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институтини Ақоид фани ўқитувчиси

Абу Мансур Мотуридий Аҳли сунна вал жамоанинг икки ақидавий йўналишларидан бири бўлган мотуридия мазҳаби асосчисидир. Мотуридия мазҳаби қарашларини тўғри ва тўлиқ тушуниш учун бу мазҳабнинг шаклланиш тарихини ҳамда унга сабаб бўлган омилларни ҳам эътиборга олиш муҳим.

Ҳижрий 234 (милодий 848) йил Аббосий халифа Мутаваккил мўътазилийларнинг фитналарига барҳам бериб, уларни давлат тизимидаги фаолиятдан четлаштиради ҳамда Аҳли сунна уламоларининг мавқеларини кўтаради. Натижада мўътазила етакчилари пойтахтдан турли тарафга тарқалиб кетишади ва кўпи Хуросон ҳамда Мовароуннаҳр ўлкаларга келиб ўрнашадилар. Бу пайтларда Мовароуннаҳр ўлкаси сомониёлар давлати ҳисобланиб, бу ўлкада мўътазилийларнинг пайдо бўлиши натижасида бу ердаги мусулмонлар орасида ҳам уларнинг турли бидъат эътиқодлари ёйила бошлаган. Жамият вакиллари орасида қабр азобини инкор қилиш, Каломуллоҳни Аллоҳ таоло яратган нарсалардан бири деб билиш ва жаннатда Аллоҳ таолони кўришни инкор қилиш каби масалаларга тегишли саволлар кўпая бошлайди. Мўътазилийлар ўзларининг бу эътиқодларини инкор қилувчи оят ва ҳадисларни

таъвил қилиб, ақлга мослаштириш йўлига ўтган эдилар. Ўша пайтдаги Абул Қосим Каъбий ва Абу Зайд Балхий сингари машҳур олимларнинг ҳам мўътазилий эътиқодида экани омма халқ ичида мўътазилийлик таълимотининг кенг ёйилишини янада тезлаштирар, ҳолат борган сари оғирлашиб бормоқда эди. Буни ҳис қилган уламолар бидъатчиларга қарши қурашга бел боғладилар.

Тарафлар ўртасида турли ақидавий баҳс-мунозаралар, қаттиқ тортишувлар борарди. Фитналар ғалаёни кечаётган ушбу давр ақлни мезон қилиб олган, гапга чечан мўътазилийларнинг нақлий ва ақлий далилларига жавоб бериб, уларни тўхтата оладиган, омма мусулмонларни тўғри йўлдан чалғимасликларига сабаб бўладиган қучли олимга ниҳоятда муҳтож эди. Бу залворли ва шарафли вазифа кейинчалик суннатни ҳимоя қилувчи ва бидъатларни бостирувчи унвонини олган Абу Мансур Мотуридийга насиб этди.

Аҳли сунна вал жамоанинг имоми саналадиган бу зотнинг ҳаёти ва фаолияти машҳур табақот китобларида ёритилмай қолгани ёки ёритилганида ҳам маълумотлар жуда камлиги ҳақида кўплаб фикрлар айтилган. Бу ҳақида Доктор Балқосим Ғолий “Абу Мансур Мо-

туридий ҳаётуху ва арооухул ақодия” (Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти ва эътиқодий қарашлари) асарида қуйидаги тўртта сабабни баён қилган:

1. Имом Мотуридийнинг Аббосийлар давлати маркази Бағдоддан узоқда бўлгани;

2. Абул Ҳасан Ашъарийнинг эса Бағдодда фаолият олиб боргани ва ўша ерда вафот этгани сабабли аббосий халифалар томонидан ашъария таълимоти қўллаб-қувватлангани;

3. Моликия ва шофеъий мазҳаблари вакиллари ашъария мадрасаси ёйилишига ҳисса қўшгани ва мотуридия мазҳаби эса фақат битта ҳанафий мазҳаби билан ёлғизланиб қолгани;

4. Пойтахт Бағдодда ва унга яқин ҳудудларда асосан ашъария мазҳаби олимларини топиш ва улардан дарс олиш қулай бўлгани.

Мазкур сабабларнинг энг асосийси Абу Мансур Мотуридийнинг ўша пайтдаги аббосийлар давлатининг пойтахти, илм-фан маркази бўлган Бағдоддан узоқда Бағдод билан ўртадаги алоқаси яхши бўлмаган сомониёлар давлатида яшагани ҳисобланади.

Имом Мотуридий фикрда Имом Абу Ҳанифа мазҳабида бўлганидек, эътиқодий қарашлари ҳам у зотнинг ақидага оид асарлари асосида шаклланган. Шунинг учун ҳам баъзи асарларда мотуридийларни ҳанафийлар деб ҳам аталган. Масалан, Ҳасан ибн Абдул Муҳсин Абу Азба “Равзатул баҳия фийма байнал Ашъароти вал Мотуридия” (Ашъарийлар ва Мотуридийлар ўртасидаги гўзал чаманзор” асарида мотуридийларни ҳанафийлар деб атаган.

Шу ўринда модомики Абу Мансур Мотуридий ақидада Имом Абу Ҳанифага эргашган бўлса, нега ақидада ҳам ҳанафий мазҳабида миз дейилмасдан, мотуридия мазҳабида миз дейилади? деган ҳақли савол пайдо бўлади. Бу саволга Доктор Али Абдулфаттоҳ Мағрибий “Имому Аҳлис сунна вал жамоа Абу Мансур Мотуридий ва арооухул каламия” (Аҳлис сунна вал жамоа имоми Абу Мансур Мотуридий ва унинг калом илмидаги қарашлари) асарида батафсил жавоб берган бўлиб, жавобнинг

хулосаси қуйидагилардир: “Абу Ҳанифадан кейин у зотнинг даврларида бўлмаган карромия ва ботиния сингари янги фирқалар пайдо бўлган. Бундан ташқари Абу Мансур Мотуридийдан илгари маърифатуллоҳ сингари айрим масалалар эҳтиёж бўлмагани сабабли ҳали таҳқиқ қилинмаган эди. Шунингдек, Абу Ҳанифа даврида Аллоҳ таолонинг сифатлари тўғрисидаги ҳамда тавҳидни исбот қилиш ва унда ақлнинг тутган ўрни қай даражада экани ҳақидаги масалалар батафсил баён қилинмаган эди. Бир сўз билан айтганда калом илми тўлиқ шаклланиб улгурмаган эди. Қолаверса калом илми Абу Мансур Мотуридийдан илгари Аҳлис сунна вал жамоа уламолари наздарида мақбул илм саналмас, балки ман қилинган илм ҳисобланар эди. Абу Мансур Мотуридийнинг таҳқиқлари туфайли бу илм мақбул илмга айланди. Демак, Абу Мансур Мотуридий ақидада Имом Абу Ҳанифанинг тутган йўлларини фақатгина шарҳлаб бериш билан кифояланган эмас, балки алоҳида ўзига хос янги йўлга асос солган олимдир. Шунга кўра ҳанафий мазҳабида фикрда Абу Ҳанифага, ақидада Мотуридийга мурожаат қилинади”.

Аҳлис сунна вал жамоанинг ақидадаги мазҳаббошилари ҳақида Аллома Тошкўпирзода қуйидагиларни ёзган: “Билгинки, Аҳлис сунна вал жамоанинг калом илмидаги етакчилари икки киши бўлиб, улардан бири ҳанафий, иккинчиси шофеъий мазҳабидадир. Ҳанафий мазҳабидагиси Абу Мансур Мотуридий, шофеъий мазҳабидагиси Абул Ҳасан Ашъарийдир”.

Мотуридия мазҳабининг машхур уламоларидан бири Ибн Камол Пошо “Масайилул ихтилоф байнал ашъароти вал мотуридия” (Ашъарийлар ва мотуридийлар ўртасидаги ихтилофли масалалар) асарида ушбу икки олимнинг Аҳлис сунна вал жамоанинг имомларига айланишлари қандай бўлганини қуйидагича баён қилган: “Имом Мотуридий адашган фирқаларнинг эътиқодий хатоларини баён қилиш билан бирга, Аҳлис сунна вал жамоа эътиқодининг тўғри эканини ақлий ва нақлий далиллар билан исботлаган. Худди шу ишни

айни шу даврда Абул Ҳасан Ашъарий ҳам Мовароуннахрдан ташқарида Бағдодда амалга оширган. Олимлар бу икки зотнинг ақида бобида амалга оширган ишларини эътироф этганлар ҳамда баъзи олимлар Абул Ҳасан Ашъарийнинг услубига эргашган бўлсалар, баъзилари Абу Мансур Мотуридийнинг услубига эргашганлар. Шундай қилиб бу икки олим Аҳли сунна вал жамоанинг ақидасини баён қилувчи имомларига айланганлар”.

Абул Ҳасан Ашъарий таълимотига асосан шофеъия ва моликия мазҳаби олимлари эргашган бўлсалар, Абу Мансур Мотуридий таълимотига асосан ҳанафия мазҳаби олимлари эргашганлар. Бунга Абул Ҳасан Ашъарийнинг фикҳда шофеъия мазҳабида бўлгани ва Абу Мансур Мотуридийнинг фикҳда ҳанафия мазҳабида бўлгани ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Имом Мотуридийдан кейин кўплаб шогирдлари у зотнинг ишларини давом этказиб, бу таълимотни ривожлантирганлар. Масалан:

- Ҳаким Самарқандий (милодий 956 йилда вафот этган);
- Абулҳасан Али Рустуғфаний (милодий 961 йилда вафот этган);
- Абу Лайс Самарқандий (милодий 983 йилда вафот этган);
- Абу Муҳаммад Паздавий (милодий 1000 йилда вафот этган).

Ушбу шогирдлари Абу Мансур Мотуридийнинг қарашларини оммага тушунтириб ва асарларини шарҳлаб мотуридия таълимотини ривожлантириш йўлида хизмат қилганлар.

Абу Мансур Мотуридийнинг ушбу шогирдларидан кейин яшаган кўплаб олимлар ҳам уларнинг ишларини давом этказганлар ва мотуридия таълимотини Мовароуннахрда кенг ёйилишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Уларнинг айримлари қуйидаги машҳур олимлардир:

- Абулюср Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавий (милодий 1100 йилда вафот этган);
- Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Абул Муин Насафий (милодий 1114 йилда вафот этган);

– Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий (милодий 1142 йилда вафот этган);

– Нуриддин Аҳмад ибн Абу Бакр Собуний Бухорий (милодий 1184 йилда вафот этган).

Ушбу олимлар мотуридия таълимотининг ривож топиши ва Мовароуннахрда кенг ёйилишига хизмат қилган энг машҳур олимлар ҳисобланади.

Мотуридия таълимотининг Мовароуннахрдан ташқарида ҳам кенг ёйилишига кўплаб олимлар хизмат қилганлар. Бунга қуйидаги машҳур уламоларни мисол қилиб келтириш мумкин:

- Жамолиддин Аҳмад Ғазнавий (милодий 1197 йилда вафот этган);
- Камолиддин Аҳмад ибн Ҳасан Баёзийзода Румий (милодий 1686 йилда вафот этган);
- Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Абдулҳам Камол ибн Ҳумом (милодий 1457 вафот этган).

Ушбу машҳур олимлар ўзларининг қимматли асарлари билан Мовароуннахрдан ташқаридаги диёрларда ҳам мотуридия таълимотининг кенг ёйилишига сабабчи бўлганлар. Албатта, бунда усмонли турк султонларининг мотуридия таълимоти ривожини йўлида қилган хизматлари ҳам муҳим омиллардан бўлган.

Шунга қўра, мотуридия таълимотининг шаклланиши ва ривожланиши қуйидагича бўлган деб хулоса қилиш мумкин:

1. Абу Мансур Мотуридий асос солган ва Мовароуннахр олимлари томонидан ривожлантирилган давр (X-XII асрлар);
2. Мовароуннахрдан ташқарида ҳам мотуридия таълимотига эргашувчи олимлар томонидан тараққий эттирилган давр (XIII- XIV асрлар).

Бутун ҳаётини илм маърифат ўрганиш ва уни ёйиш билан ўтказган Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ таҳқиқларига қўра, ҳижрий 333 (милодий 945) йилда тўқсон беш ёшлар атрофида Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонида дафн этилган.

Аллоҳ таоло Имом Мотуридий бобомизга мўл-кўл мукофотлар ато этиб ётган жойларини жаннат боғларидан қилган бўлсин!